

Кинематография агентлиги директори Ш.Т. Ризаевнинг
Агентлик ва унинг тизим ташкилотлари жамоаларига
МУРОЖААТИ

Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим қон томири ҳисобланган Кинематография соҳасини ривожлантириш, Давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ва илгари сурилган ташаббуслар ижросини таъминлаш, мамлакатимизнинг туризм имкониятларини халқаро майдонда кенг тарғиб қилиш ва сайёҳлар оқимини оширишда бу соҳада меҳнат қилаётган ҳар бир мутахассис – кадрнинг муҳим ўрни бор.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясига кўра, юқори марралар ва мақсадли кўрсаткичларга фақатгина кино соҳасида шаффоф ва ҳисобдор тизимни яратиш, ходимларда ватанпарварлик руҳини ва юксак ахлоқий- маънавий қадриятларни сингдириш ҳамда коррупцион ҳолатларни олдини олиш ва унга қарши курашиш орқали эришиш мумкинлигини тўлиқ англаймиз.

Коррупцияга қарши курашиш бутун жаҳон миқёсида бугунги кунинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тақдим этилган статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёда **коррупцияга** оид қонунбузарликлар жаҳон ЯИМнинг **5%**ни ёки **3,6 трлн. доллар**ни ташкил этиши, жамиятни ичидан емирувчи ушбу иллат билан аёвсиз курашиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси, балки мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, ҳар бир давлат хизматчиси олдидаги бурч эканлигига алоҳида урғу бермоқчиман.

Албатта, мамлакатимизда коррупцияга йўл қўймасликка қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда давлатимизда **коррупцияга қарши курашиш** доирасида бир қатор дастурлар қабул қилинди ва тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, бу йўналишда 2021-йил 6-июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6257-сон Фармони ҳамда ПҚ-5177-сон Қарори қабул қилинди ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Ушбу муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши давлат органлари ва ташкилотларида **коррупцияга** қарши курашиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги ва натижадорлигини янада оширишга катта туртки бўлди.

Шу аснода, афсус билан айтиш лозимки, айрим ҳолларда кино соҳасида ҳам баъзи нопок шахслар томонидан **коррупция** ҳолатлари ва **ноқонуний ишларга** аралашиб қолаётганлигига гувоҳ бўламиз.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мен сизларни огоҳлантириб ўтмоқчиманки, **“Ҳар қандай жиноят учун жазо муқаррардир”** нақлини ҳар бир давлат хизматчиси тўла-тўқис ва теран ҳис қилмоғи, бу иллатга йўлиққанда кўз олдига аввало ота-онаси, оиласи ва фарзандларини келтириши ҳамда ўзининг ва яқинларининг тақдири ҳақида ўйлаши лозим.

Агентлик ҳамда унинг барча даражадаги тизим ташкилотларида фаолият олиб бораётган ходимларни **коррупцияга** нисбатан мутлақо тоқатсиз муносабатда бўлишга, давлат хизматчиси деган юксак ҳамда шарафли номга доғ туширмасликка ва ўзларининг хизмат мажбуриятларини виждонан, пок ва ҳалол бажаришга яна бир бор чорлаб қоламан.

Ҳурматли ҳамкасблар! Ҳар биримиз ва ҳаммамиз олдимизга қўйилган топшириқ ва вазифаларни амалга ошириш жараёнида **коррупцияга** қарши курашда елкама-елка туриб биргаликда ҳаракат қилайлик!

Шу нуқтаи назардан, кинематография соҳасига оид коррупцион ҳолатлар учраганда, ёки бу борада таклиф, ариза ёки шикоятлар бўлса фуқаролар ва ходимларни ([antikorrupsiya@uzbkino.uz bot](mailto:antikorrupsiya@uzbkino.uz)) орқали хабар беришга чақирамиз.

Мурожаатлар учун ишонч рақамлари: 71-277-81-07 .